

**Аҳоли бандлигини таъминлаш соҳасида прокурор назоратининг
ташилий ҳуқуқий асослари ва аҳамияти**

Алиходжаев Комил Кадирович
Фаргона вилоят прокуратураси
бўлим бошлиги

Аннотация. Уибу мақолада аҳоли бандлигини таъминлашига қаратилган қонунчилик ҳужжатлари ижроси устидан прокурор назоратининг ташкилий - ҳуқуқий асослари ва аҳамияти баён этилган. Хусусан, соҳада қонунийликни таъминлашида назорат тадбирларини ташкил қилиши йўналишилари кўриб чиқилган. Муаллиф томонидан уибу йўналишида прокурор назоратини ташкил қилиши тартиби ва йўна-лишлари таҳлил қилинган.

Калит сўзлар: бандлик, аҳоли бандлигини таъминлаш, меҳнатга оид ҳуқуқлар, прокурор назорати

Аҳоли бандлигини таъминлаш ҳар қандай давлат ва жамиятнинг олдида турган муҳим ижтимоий-иктисодий масалалардан бири ҳисобланган.

Шу боис, аҳоли бандлигини таъминлаш масаласи давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади. Халқаро меъёрларда белгилангани каби юртимизда ҳам ҳар бир шахснинг меҳнат қилиш, эркин касб танлаш, адолатли меҳнат шароитларида ишлаш ва ишсизликдан ҳимояланиш ҳуқуқлари қонун ҳужжатларида мустаҳкамлаб қўйилган.

Бандлик, деб ёзади Е.В.Шуваева, меҳнат муносабатлари тизи-мининг энг муҳим унсуридир. Бунда унинг умумбашарий характер-далиги бошқалардан фарқ қилувчи жиҳатидир. Чунки, у ихтиёрий ишлаб чиқаришга хос ва унда муҳим омил сифатида намоён бўлади ҳамда ишлаб чиқариш кучлари ривожланиш ва фаолият

кўрсатиш шарти ҳисобланади. Бандлик ёлланма ишчи кучи ёки меҳнат бозори пайдо бўлмасдан анча олдин шаклланган¹.

Бугунги кунда мамлакатимизда олиб борилаётган кенг қўламли ижтимоий-иктисодий ислоҳотларнинг асосий вазифаларидан бири аҳоли бандлигини таъминлаш, оилаларнинг даромадини оширишга қаратилган.

Ислоҳотларнинг самарали амалга оширилиши, соҳага оид қонунлар, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарор ва Фармонлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ижросини таъмин-лашда прокурор назорати муҳим аҳамият касб этади.

Асосий Қонунимизнинг 143-моддасида Ўзбекистон Республикаси худудида қонунларнинг аниқ ва бир хилда бажарилиши устидан назоратни Ўзбекистон Республикасининг Бош прокурори ва унга бўйсунувчи прокурорлар амалга оширишлари мустаҳкамлаб қўйилган².

Ўзбекистон Республикасининг “Прокуратура тўғрисида”ги янги таҳрирдаги Қонуннинг 2-моддасига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси прокуратура органларининг асосий вазифалари қонун устуворлигини таъминлаш, қонунийликни мустаҳкамлаш, фуқаро-ларнинг хукуқ ҳамда эркинликларини, жамият ва давлатнинг қонун билан қўриқланадиган манфаатларини, Ўзбекистон Республикаси конституциявий тузумини ҳимоя қилиш, хукуқбузарликларнинг олдини олиш ва профилактика қилишдан иборат.

“Прокуратура тўғрисида”ти Қонуннинг 20-моддасига кўра, вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, жамоат бирлашмалари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ҳамда вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг ҳарбий қисмлари, ҳарбий тузилмалари, ҳокимлар ва бошқа мансабдор

¹ Шуваева Е. В. Занятость как важнейший элемент трудовых отношений // Актуальные вопросы экономических наук : Материалы международ. науч. конф. — Уфа : Лето, 2011.

² Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, 2023 йил

шахслар томонидан қонунларнинг ижро этилиши, шунингдек улар томонидан қабул қилинаётган хужжатларнинг Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунларига мувофиқлиги назорат предмети ҳисобланади.

Аҳоли бандлигини таъминлаш фуқароларнинг асосий ижтимоий ҳуқуқларидан бири бўлиб, прокуратура органлари томонижан ушбу соҳадаги қонунлар ижроси устидан назорат Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг Ижтимоий соҳада қонунчилик ижроси устидан назорат бошқармаси ва унинг вилоят ва уларга тенглаштирилган прокуратуралардаги таркибий тармоқлари ва жойлардаги прокурорлар томонидан амалга оширилади. Бошқарма ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Ўзбекистон Республикасининг “Прокуратура тўғрисида”ги Конуни ва бошқа қонун хужжатлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонлари, Хукумат қарорлари, Бош прокуратуранинг ҳайъат қарорлари ҳамда Бош прокурорнинг соҳавий буйруқ ва кўрсатмалари асосида амалга оширади.

Жумладан, Бош прокурорнинг 24.11.2017 йилдаги “Ижтимоий ва иқтисодий қонунчилик ижроси устидан прокурор назоратини янада такомил-лаштириш тўғрисида”ги 166-сон буйруғида аҳоли бандлигини таъминлаш прокуратура органларининг асосий вазифаларнидан бири эканлиги белгиланган.

Хусусан, ушбу буйруқнинг 7.3-бандида назорат тадбирларида “Меҳнат ва аҳоли бандлигини таъминлашга оид қонунчилик ижроси устидан самарали назорат ўрнатилсин. Янги иш ўринларини яратишга қаратилган дастурлар ижроси, бу борадаги ҳисботларнинг ҳаққонийлиги, ижтимоий ҳимояга муҳтож, меҳнат бозорида teng шароитларда рақобатлашишга қодир бўлмаган шахслар, шу жумладан, касб-хунар коллежлари ва олий ўқув юртлари битирувчиларининг иш билан таъминланиши аҳволи доимий равища ўрганиб борилсин” – деб кўрсатма берилган.

Давлатимиз раҳбари Ш.Мирзиёев таъкидлаганларидек, “Сўнгги йилларда прокуратура соҳасини тубдан ислоҳ этиш, бу борада очиқлик ваadolатга асосланган, фуқаролар ва жамият манфаатларига хизмат қиласиган, халқпарвар қарорлар қабул қилиш, ўз назарий ва амалий мактабига, фидойи ва профессионал ходимлар копусига эга бўлган тизимни шакллантириш бўйича улкан ишларни амалга оширмоқдамиз.

Эл-юртимизнинг Конституциямизда мустаҳкамланган ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилишда, қонунийликни таъминлаш, жиноятчиликни олдини олишда прокуратура органларининг аҳамияти тобора ортиб бормоқда.

Айниқса, халқ билан очик мулоқот қилиш, аҳоли муаммоларини чуқур ўрганиш ва ҳал этиш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза қилиш соҳа ходимларининг энг асосий ва қундалик вазифасига айланди³.

Фарғона вилоят прокуратураси томонидан ўтган 2024 йилда аҳоли бандлигини таъминлаш йўналишида ўтказилган назорат тадбирларида соҳада қонунийликни таъминлаш, аҳолини тадбир-корликка ўргатиш, оилавий тадбиркорликни ривожлантириш орқали янги иш ўринлари яратиш, камбағалликни қисқартириш масаласига алоҳида эътибор қаратилди.

Шу билан бирга, қонун бузилиши ҳолатларига йўл қўйган мансабдор шахсларнинг жавобгарлик масаласи белгиланган тартибда ҳал қилиниши таъминланган.

Хусусан, аҳоли бандлигини таъминлаш бўйича “Сайхунобод”, “Уйчи”, “Зарбдор” ва “Ғиждувон” тажрибалари асосида назорат тадбирларида ҳақиқатда яратилмаган 2 317 та иш ўринлари хисоботга қўшиб кўрсатилганлиги аниқланиб, қонун бузилиши ҳолатига йўл

³ Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг 08.01.2024 йилда Прокуратура органлари ходимлари ва фахрийларига табриги. President.uz

www.pedagoglar.uz

39-sod 1-to'plam Yanvar 2025

кўйган 4 нафар шахслар маъмурий, 15 нафари интизомий жавобгарликка тортилган.

Мисол учун, Кўқон шаҳар ҳокимлиги, “Саноатқурилиш-банк” АТБ шаҳар бўлими ва маҳаллалар ўртасида имзоланган “Ҳамкорлик” шартномаларига кўра, ҳақиқатда яратилмаган 359 та иш ўринлари қўшиб ёзилган.

Бу каби, ҳолатларга “Асакабанк” АЖ Кўқон шаҳар бўлими (92), “Бизнесни ривожлантириш банки” Кўқон банк хизматлари оғиси (82) томонидан ҳам йўл қўйилган.

Айрим худудларда уч томонлама “Ҳамкорлик” шартномалари номигагина тузилганлиги ҳолатлари ҳам мавжуд.

Масалан, Марғилон шаҳар ҳокимлиги, “Алоқабанк” АТБ Марғилон комплекс хизмат кўрсатиш маркази ва 18 та маҳаллалар ўртасида имзоланган “Ҳамкорлик шартномалари”да жорий йилда якунига қадар “Уйчи тажрибаси” асосида 910 нафар фуқароларнинг бандлигини таъминлаш белгиланган.

Бироқ, амалда атига 61 нафар фуқароларнинг бандлиги таъминланган, холос.

Шу каби, шаҳарда “Зарбдор” ва “Фиждувон” тажрибалари асосида иш ўрни яратилишида ҳам масъулиятсизликка йўл қўйилган.

Жумладан, уч томонлама “Ҳамкорлик шартномалари”да шаҳарда “Зарбдор” тажрибаси асосида 12 та маҳаллада 605 нафар, “Фиждувон” тажрибаси бўйича 11 та маҳаллада 1031 нафар шахсларнинг бандлигини таъминлаш кўрсатилган.

Ўрганишда, “Зарбдор” тажрибаси асосида хисоботларда 297 нафар, амалда эса 231 нафар шахсларнинг бандлиги таъминланганлиги, 66

нафар шахсларнинг бандлиги таъминланганлиги қўшиб кўрсатилган.

Аҳамиятлиси, ушбу тажриба асосида “Ҳамкорлик шартнома” ларида кўрсатилган 11 та маҳалланинг 4 тасида (*Хўжса Порсо, Узун ҳовуз, Тошлоқтепа ва Тошкесар*) жорий йилнинг 28 ноябрь кунига қадар бирорта ҳам лойиҳалар шакллантирилмаган.

“Фиждувон тажрибаси” асосида ҳам “Ҳамкорлик шартнома”-ларида кўрсатилган 11 та маҳалланинг 4 тасида (*Роҳат, Янгибоз, Тошлоқтепа ва Тошкесар*) бирорта ҳам лойиҳалар ишлаб чиқилмаган.

Ёки, “Зарбдор тажрибаси” асосида Бувайда туманида “Агробанк” АТБ туман филиали томонидан “Маматқулий Мухаммадшариф” фермер хўжалигига 40 млн. сўм кредит ажратиб, 10 та янги иш ўринлари яратиш лойиҳаси ўрганилганида, хўжаликда умуман янги иш ўринлари яратилмаганлиги маълум бўлди.

Аксинча, хўжаликда лойиҳадан аввал мавжуд бўлган иш ўринлари 2 тага камайган.

Юқоридагилардан келиб чиқиши айтиш мумкинки, бугунги кунда барча соҳаларда бўлгани каби, ижтимоий ушбу йўналишда прокурор назоратининг ҳуқуқий аҳамияти янада ортиб бормоқда.

Зоро, прокуратуранинг қонунлар ижроси устидан назорат олиб бориши фаолияти тубдан ўзгартирилди. Илгари қонун бузилиши ҳолатларини аниқлаш ва жазолашга асосий ўрин берилган бўлса, энди асосий эътибор бундай ҳолатларнинг олдини олиш, мавжуд муаммоларни бартараф этишга қаратилмоқда⁴.

Сўнги сўз ўрнида айтиш жоизки, аҳоли бандлигини таъминлаш инсон ва фуқароларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш йўналишидаги прокурор назоратининг

⁴ Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг 08.01.2024 йилда Прокуратура органлари ходимлари ва фахрийларига табриги. President.uz.

энг асосий соҳаларидан бири бўлиб, фуқароларнинг ижтимоий хуқуқларини таъминлашда муҳим хуқуқий аҳамият касб этади.